



Самарқандда асари нажот



Ўтган замонларда Самарқандда мадрасалар дорул-улум(Илмлар уйи.) макомида бўлганлиги гўзал, буюк ва гоят музайян(Безатилган.) лисони холиндан маълумдир. Улугбек каби маорифманд шохзода, Али Кушчи каби ҳақим ва мутафаттин(Зехнли.), Тафтазоний каби аллома, Навоий каби шоир ва адиб ҳам турк, ҳам Самарқанд ўғиллари бўлганликлари тарих ўқиганларга маълум.

Бир неча асрдан бери таназзулга юз тутган, шох саройларига мушобих(Ўхшаш.) мадрасалар хароб, вайрона. Уламо ва ҳукамо(Донишмандлар.) ўрнига бесавод дарвешон, бегайрат бечорагон ила тўлган Самарқанд обидалари нажот кидирмоқда. Ноахил бу

ёдгорликларни кўрмас, кўрсада ахамият ва даражасини идрок кила олмас... Бир асари хуш... Бир умидбахш белги... Юзларча китоблар таълиф килинган Самаркандда беш юз саналик бир таназзул давридан сўнгра такрор таълифот(Асарлар, китоблар.) ва фикр бош кўтармокца. Бир неча йилдан бери дорул-казо муфтиларидан Абу Масъуд ал-хож Махмудхўжа жаноблари бир неча расоил(Рисолалар.) таълиф ва нашр килган эди. Бу сафар яна «Китоби мунтахаби жугрофияйи умумий» нашр килгани идорамизга юборилган нусхасидан маълум бўлди. Гўзал тартиб ва гўзал турк тили ила ёзилмишдир... Туркистонли жумла ўқувчиларимизга бу китобни ўқишни тавсия киламиз. Хожи Махмудхўжа бир канча таълифлар хам ёзмокда эмиш. Табриклаймиз. Нажоти фикрия нажоти соира мукаддимасидир.

Исмоилбек Гаспиринскийнинг
"Хаёт ва мамот масаласи" китобидан